
“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Устозлар боғи” ташкил этилди

Учкўприк тумани ҳокимлиги, мактабгача ва мактаб таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташабbusi билан 25-умумтаълим мактабида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ўтказилган семинар давомида “Устозлар боғи” ташкил этилди.

Семинарда туман ҳокими ўринбосари Шуҳратжон Позилов иштирок этиб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “кузги дараҳт экиш мавсуми” Учкўприк туманида ҳам кенг кўламда ташкил этилаётганини, қишлоқ ва маҳаллаларда, ташкилот ва муассасалар ҳудудларида аҳоли, кенг жамоатчилик, ишчи ходимлар ва фаоллар иштирокида турли мевали, манзарали дараҳт кўчатлари экилаётганини, натижада ҳудудларда яшил майдонлар сони ортиб бораётганини қайд этди.

Барча муассасаларда мазкур акция доирасида сифатли мевали ва манзарали кўчатлар экиш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш муҳимлиги, бу борада аввало раҳбарлар ташабbusкор ва фидойилик кўрсатиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари нуроний отахонлар дуоси билан эзгу ниятда мактаб ҳудудидаги “Устозлар боғи”га 500 туп мевали ва манзарали дараҳт кўчатлари экишди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги эзгу ташабbusларни қўллаб-қувватлаган тумандаги барча ташкилотларда дараҳт экиб, боғ яратиш ишлари қизғин давом этмоқда.

2024-12-12 14:04:45